

**“Тартибга солиш қумдони” махсус ҳуқуқий режими
доирасида капитал бозорида қўлланадиган
АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР**

1. Тан олинган хорижий юрисдикция – Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тан олинган хорижий юрисдикция.

2. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича хорижий ваколатли давлат органи – тан олинган хорижий юрисдикциянинг қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи.

3. Чет эллик мижоз – қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича хорижий ваколатли давлат органи томонидан берилган рухсатнома асосида мижозларга Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясидан ташқарида хизмат кўрсатувчи чет эллик номинал сақловчининг мижози (жисмоний ёки юридик шахс, шу жумладан бошқа чет эллик номинал сақловчи).

4. Чет эллик инвестиция воситачиси – Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунида белгиланган инвестиция воситачисининг профессионал фаолияти билан тенглаштириладиган тан олинган хорижий юрисдикциянинг қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган инвестиция компанияси (инвестиция ёки депозитар банк, брокер ёки инвестиция воситачиси), глобал кастодиан, кастодиан, банк ёки бошқа юридик шахс.

5. Чет эллик бенефициар мулкдор – Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳисобида ёки “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ (кейинги ўринларда – “ЎзРВБ” АЖ) депозитарий тизимида қимматли қоғозларнинг эгаси сифатида рўйхатга олинган ёки рўйхатга олинмаган, бироқ қимматли қоғозларга тўғридан-тўғри ёки билвосита эгалик қилиш ёки улардан фойда олиш ҳуқуқига эга бўлган ва чет эллик номинал сақловчи ҳисобида қимматли қоғозларнинг якуний эгаси ҳисобланган жисмоний ёки юридик шахс.

6. Чет эллик номинал сақловчи – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан маслаҳатлашувлар натижасига кўра Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тан олинган чет эллик инвестиция воситачиси, хорижий ёки халқаро қимматли қоғозлар марказий депозитарийси бўлиб, профессионал фаолиятни амалга ошириш учун жумладан қуйидаги ваколатларга эга бўлади:

Ўзининг чет эллик мижозлари (чет эллик бенефициар мулкдорлар ёки бошқа чет эллик номинал сақловчилар) номидан ва уларнинг топшириғига кўра ҳаракат қилиш;

қимматли қоғозлар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш, агар улар хорижий ёки халқаро қимматли қоғозлар марказий депозитарийси бўлса;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича хорижий ваколатли давлат органи томонидан тартибга солинадиган чет эл биржаларидаги савдолар натижасига кўра хорижий ёки халқаро қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳисоб-китоблари асосида ўзининг чет эллик мижозлари учун қимматли қоғозлар ва пул маблағлари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

ўзининг чет эллик мижозлари топшириғига кўра ёки улар номидан қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ўтказиш, рўйхатга олиш, ҳисобини юритиш, сақлаш ва (ёки) тасдиқлаш.

7. Хорижий номинал ҳисобварақ – чет эллик номинал сақловчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида ёки “ЎзРВБ” АЖ депозитарий тизимида бевосита битта чет эллик бенефициар мулкдор номига тўғридан-тўғри индивидуал ҳисобварақ ёки омнибус ҳисобварақ шаклида очиладиган депо ҳисобварағининг тури.

8. Тўғридан-тўғри индивидуал ҳисобварақ – чет эллик номинал сақловчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида ёки “ЎзРВБ” АЖ депозитарий тизимида бевосита чет эллик бенефициар мулкдор номидан ва унинг номига очилган депо ҳисобварағи.

9. Омнибус ҳисобварақ – чет эллик номинал сақловчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида ёки “ЎзРВБ” АЖ депозитарий тизимида очилган ва барча чет эллик бенефициар мулкдорлар ва/ёки чет эллик номинал сақловчиларга тегишли қимматли қоғозларнинг сони ва қиймати жамланган ҳолда ҳисобга олинадиган хорижий номинал ҳисобварақ тури.

Изоҳ:

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги асосий тушунчаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга.

“ЎзРВБ” АЖ депозитарий тизимида депо ҳисобварақлар очиш ягона депозитар тизим йўлга қўйилгунга қадар амалга оширилади.